

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

4-SON

АПРЕЛЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



**IMFAKTOR
PAGES**



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-4

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-4>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

АЛИМАРДАНОВ Илхом Музробшохович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молия кафедраси профессори
Иқтисодиёт фанлари доктори

БОЕВ Асадбек Комилжон ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7868148>

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда инвестиция салоҳиятини аниқлаш механизмини такомиллаштириш йўллари, инвестиция салоҳиятининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда республикаимизда инвестиция салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истикболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек мақолада инвестиция салоҳиятини ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция салоҳияти, рақобатбардошлик, корхона, инвестор, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри инвестициялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье пойдет речь о способах совершенствования механизма определения инвестиционного потенциала в нашей стране, сущности инвестиционного потенциала, истории становления и развития инвестиционного потенциала в нашей республике, а также об анализе его преимуществ и улучшении перспектив развития. В статье также представлены существующие проблемы в развитии инвестиционного потенциала, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционный потенциал, конкурентоспособность, предприятие, инвестор, иностранные инвестиции, прямые инвестиции.

IMPROVING THE MECHANISM FOR DETERMINING INVESTMENT POTENTIAL IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article will discuss ways to improve the mechanism for determining investment potential in our country, the essence of investment potential, the history of the formation and development of investment potential in our republic, as well as the analysis of its advantages and improvement of development prospects. The article also presents the existing problems in the development of investment potential, as well as the author's recommendation approaches and suggestions for their elimination.

Keywords: investment, investment potential, competitiveness, enterprise, investor, foreign investment, direct investment.

Кириш. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига киритилган инвестицияларни фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқлашмаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашини чегараланиб қолиши каби муаммоларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятини барқарор ўсишини, глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – мамлакатда инвестиция салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ҳудудлари ўзининг ранг баранглиги билан ажралиб туради. Шу боис салоҳиятли инвесторга инвестициялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши учун ҳар бир ҳудуднинг инвестицион салоҳияти тўғрисидаги объектив ахборот мавжуд бўлиши лозим. Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш тизимини яратиш эса давлатнинг ва ҳудудларнинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади. Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ўрганиш, уни ҳар томонлама илмий-услубий асосда очиб бериш, энг аввало, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, инновацион, меҳнат салоҳиятини тадқиқ этишни ҳамда ушбу соҳадаги илмий қарашларни таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инвестицион муҳит (иқлим)га боғлиқ экан, инвесторлар ўз қарорларини шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқишади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичларида республикамизнинг инвестиция салоҳиятини ошириш ва иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини ошириш масалаларига кенг эътибор берилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” вазифаси белгилаб берилди [1].

Ўзбекистон ҳудудлари ўзининг ранг баранглиги билан ажралиб туради. Шу боис салоҳиятли инвесторга инвестициялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши учун ҳар бир ҳудуднинг инвестицион салоҳияти тўғрисидаги объектив ахборот мавжуд бўлиши лозим. Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш тизимини яратиш эса давлатнинг ва ҳудудларнинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади. Иқтисодчи олима Т.М.Смаглюкова инвестицион салоҳиятни белгиловчи барча кўрсаткичлардан комплекс баҳолаш талабларига кўпроқ мувофиқ келадиган кўрсаткичларни ажратиб олади. Унинг фикрича, мазкур кўрсаткичлар инвестицион жараённинг барча томонларини акс эттирувчи инвестицион салоҳият омиллари таркибига киритилади. Шаклланган кўрсаткичларнинг йиғиндиси иқтисодий тизим ва инвестициялаш объектлари сифатида ҳудудлар фаолиятининг ташқи ва ички омилларини қамраб олади [2].

Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади.

Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади [3].

Араб олимларидан Ч.Эмируллаҳ ва М.Азамларнинг фикрига кўра, “Инвестиция салоҳияти макроиқтисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, маҳаллий капитал бозорларининг ривожланиши, бошқарув муҳити, қонунчилик базаси, давлат органлари самарадорлиги, коррупция даражаси ва бозор шароитлари билан бевосита боғлиқ [4]”.

А.М.Марголин “Инвестиция салоҳияти бу маълум даражада тартиблаган инвестиция ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, улардан фойдаланиш синергизм самарасига эришишни таъминлайди [5]” – деб таъкидлайди.

С.А.Трухиннинг эътирофи бўйича “Инвестиция салоҳияти меҳнат, истеъмол, ишлаб чиқариш, молиявий, институционал, инновацион, инфратузилма ва табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш орқали аниқланади [6]”.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ўрганиш, уни ҳар томонлама илмий-услубий асосда очиб бериш, энг аввало, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, инновацион, меҳнат салоҳиятини тадқиқ этишни ҳамда ушбу соҳадаги илмий қарашларни таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инвестицион муҳит (иқлим)га боғлиқ экан, инвесторлар ўз қарорларини шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқишади.

Тадқиқот метаологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом молияси инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда инвестиция салоҳиятини аниқлаш механизмини такомиллаштириш йўлларида фойдаланиш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир шароитда мамлакат ҳудудларининг халқаро муносабатларда интеграциялашуви, иқтисодий субъект сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этаётгани, ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини таъкидлаш ўринли бўлади. Ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган омилва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади. Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда асосий эътибор тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилмоқда. Бу эса, асосан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар асосан углеводородларни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўнаишларига киритилган бўлиб Қандим гуруҳи конлари, Ҳисор инвестиция блокени, Хожисаёт газконденсат конларини ўзлаштириш, шунингдек Шўртан газ-кимё комплекси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилган.

Ундан кейинги ўринда Давлат қафолати остида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар кенг жалб қилинган бўлиб бу маблағлар асосан Шўртан газ-кимё комплекси негизда тозаланган метандан суюлтирилган углеводородларни олиш (GTL) лойиҳасига йўналтирилган.

Жаҳонда рақамлаштирилган иқтисодий жараённи вужудга келтириш шароитида чекланган ресурс сифатида нефть ва газ саноати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нефть ва газ саноатининг маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши бир томондан мавжуд инвестициялардан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ресурслар билан таъминлаш шароити кескинлашмоқда. “Маълумотларга кўра ҳозирги даражадаги қазиб олиш даражасини ушлаб туриш учун 2040 йилгача жаҳон миқёсида нефть ва газ тармоғига 17 трлн. доллар инвестиция киритишни талаб этади, бу эса ўз навбатида жаҳон энергетикасига киритиладиган инвестицияларнинг 1/3 қисмини ташкил қилади” [7].

Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инвестицион лойиҳалар, фойдали янгиликларни турли механизм ва стратегик алгоритмлар асосида жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, замонавий техник ва технологик янгиллаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришилмоқда.

4.2-жадвал

2016-2020 йилларда “�збекнефтгаз” АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича инвестицияларни ўзлаштириш тўғрисида маълумот [8]

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил (қутилиш)	2020 йил 2016 йилга нисбатан (фоиз)
Инвестицияларни ўзлаштириш (млн. АҚШ доллари), шу жумладан:	2992,7	3635,5	2331,2	3250,9	1469,5	49,1
<i>ўз маблағлари</i>	1010,3	434,8	548,7	281,4	257,1	25,4
<i>ЎзРТТЖ маблағлари</i>	316,1	547	-	16,5	-	-
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар</i>	1646,4	2648,6	952,5	1887,0	183,6	11,2
<i>тижорат банк кредитлари</i>	19,9	5,1	-	-	-	-
<i>Давлат кафолати остида хорижий инвестиция ва кредитлар</i>	-	-	830,0	1066,0	1028,9	100
Инвестиция лойиҳалари доирасида ишга туширилган объектлар	5	8	5	2	5	50

Ўрганилаётган давр (2016-2019 йилларда) мазкур даврда "Ўзбекнефтгаз" АЖ капитали таркибида йўналтирилган ялпи инвестициялар, уларнинг молиялаштириш манбаалари бўйича тақсимоти, шу жумладан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда йиллар давомида тизимли изчиллик кузатилмаслигини кўришимиз мумкин бўлади.

Бу нарса бир қатор ички ва ташқи омилларга боғлиқ, хусусан тармоқда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, корхонада молиявий менежментни ташкил этишда тизимли ёндашувнинг йўқлиги, модернизация жараёнлари, маълум даврларда алоҳида йирик саноат объектларининг ишга туширилиши, тармоқ корхоналарининг молиявий нобарқарорлиги ва ҳоказо.

Сўнгги йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан бевосита ва билвоста амалга оширилган инвестиция лойиҳаларда капитал таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур даврда лойиҳаларни молиялаштиришда капитал таркибининг лойиҳа самарадорлигига таъсирига етарли даражада эътибор қаратилмаслигини кузатишимиз мумкин.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ сўнгги йилларда Лондонда “Barclays” инвестицион банки билан Жамият томонидан эришилган натижалар, амалга оширилган инвестицион лойиҳалар, модернизация ва табиий газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш йўлида самарали натижаларга эришилгани борасида маълумотлар берилди. Таъкидлаш жоизки, “Barclays” жамоаси “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг умумий қиймати 700 миллион АҚШ долларига тенг дебют еврооблигацияларининг муваффақиятли чиқарилишига эришгани, шунингдек, Қашқадарё вилоятида GTL Uzbekistan заводининг ишга туширилиши билан боғлиқ инвестицион салоҳиятни ўрганишмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда инвестицион фаолият ва унинг бозор механизмини ташкил этувчи барча тармоқларни ривожлантириш, улар орқали иқтисодиёт комплексига инвестициялар оқимини рағбатлантирилиши ҳамда инвестиция салоҳиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки жаҳонда ривожланган кўпгина мамлакатлар амалиётида эркин иқтисодий ҳудудлар ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг алоҳида танлаб олинган ҳудудларига кенг жалб қилишнинг замонавий усулларида бири эканлиги бизга маълум. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий ҳудудлар амалда жаҳон капитал бозорида сузиб юрган инвестициялар учун “қопқон” вазифасини ўтайди.

Шунинг учун, республикамизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли таҳлилчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, унинг устунликлари ва заиф жиҳатлари чуқур тадқиқ этилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, ҳудудларнинг инвестицион салоҳият индекси олти элемент асосида ҳисобланади (ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси, молиявий ресурслар билан таъминланиши, инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси, ҳудуднинг демографик тавсифи, институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси, ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси) ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини учта гуруҳга бўлиш мумкин: инвестиция муҳити жуда яхши бўлган гуруҳлар; инвестиция муҳити ўрта даражада бўлган гуруҳлар; инвестиция муҳити жуда паст бўлган гуруҳлар.

Бизнинг фикримизча, миллий хўжалик даражасида инвестициявий салоҳият молиявий таркиби жиҳатидан бўлгани каби, моддий - ресурс, инновацион ва интеллектуал таркибига кўра ҳам халқаро молиявий бозорларда, инвестиция товарлари бозорида, интеллектуал ва илмий-техникавий маҳсулотлар бозорида, халқаро меҳнат бозорларидаги фаолияти туфайли кенгайиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, Ўзбекистоннинг ЖСТга киришга интилиши шароитида, инвестициявий салоҳиятнинг халқаро таркиби ҳисобидан кенгайиши янги имкониятларни очиб беради ва унинг шаклланиш механизмида муҳим вазифа бўлиб қолади.

Ҳудудларда инвестицияларни таъминловчи жараёнлар, муносабатлар ва омиллар хилма-хиллиги тегишли илмий тоифалар ва тушунчалар хилма-хиллигини талаб этади. Улар ўзларининг категорияга оид маъноси билан тўлдирилиши ва тизимла қабул қилиниши лозим. Инвестициявий салоҳият, энг аввало, кўп ўлчовли тизим сифатида шаклланадиган инвестиция жараёнининг ресурс имкониятларини англатади. Ички салоҳиятдан фойдаланиш ва ташқи салоҳиятни жалб қилиш муайян объектларнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда мамлакат, минтақа ва тармоқдаги инвестиция муҳитига боғлиқ.

Инвестиция салоҳиятини аниқлаш механизмини қўллаб-қувватлашнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш мақсадида инвестиция босқичларини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш. Инвестицион лойиҳа молиялаштирилгандан кейинги даврда лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни, лойиҳага ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, лойиҳа ишга тушурилгандан сўнг даромадлар киримини ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриб бориш талаб этилади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

2. Смаглиукова Т.М. Общие подходы к формированию региональной инвестиционной политики // Современные проблемы науки. – 2014. – №1

3. Xiaolan Fu, “Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China”, Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.

4. Emirullah Ch., Azam M. Examining Public Private Partnerships in ASEAN countries: the role of investment climate // Theoretical and Applied Economics. 2014. Vol. XXI. № 2. P. 67 76.

5. Марголин А.М., Марголина Е.В. О возможных источниках инвестиций в реализацию национальной программы “Экология”. Экономика и управление: проблемы, решения. - М.:Издательский дом “Научная библиотека” 2018. ст. 42.

6. С.А.Трухин. Влияние цифровизации на развитие финансовых инструментов фондового рынка России правовые аспекты. Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2020;(7):83-89.

7. XXIV Петербургский Международный Экономический Форум. Энергетическая панель «Трансформация мировой энергетики» доклад И.И. Сечина. Мировая энергетика на распутье/ Санкт-Петербург/ 5.06.2021г.

8. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти www.ung.uz статистик маълумотлари, <https://www.ung.uz/pages-uz/investitsion-loyihalar.php>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz